

ЛУТФИЙ ДЕВОННИНГ ИККИ НОДИР ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ МУҚОЯСАСИ

Мадина БОБОМУРОДОВА
магистрант
Қарши давлат университети
Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Мавлоно Лутфийнинг туркий “Девон”ининг нодир қўлёзма нусхалари ҳисобланган икки нусха, яъни Париж нусхаси ҳамда 5024-И инвентарь рақамли қўлёзмалари ўзаро муқояса қилиниб, таҳлил жараёнида юзага келган матний тафовутлар илмий жиҳатдан далиллар асосида тадқиқ этилади. Мазкур қўлёзма нусхалардаги матнлар матншунослик нуқтаи назаридан ўрганилиб, чоғиштирилади.

Таянч сўзлар: Лутфий, девон, қўлёзма нусха, матн таҳрири, матний тафовут.

СРАВНЕНИЕ ДВУХ РЕДКИХ РУКОПИСНЫХ ЭКЗЕМПЛЯРОВ ДИВАНА ЛУТФИ

Мадина БОБОМУРОДОВА
магистрант
Каршинский государственный университет
Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

В данной статье проводится сравнительно-сопоставительный анализ двух уникальных рукописных списков тюркского «Дивана» Мавланы Лутфи – парижской рукописи и рукописи под инвентарным номером 5024-I. На основе научных аргументов исследуются текстологические различия, выявленные в процессе анализа. Тексты данных рукописных списков изучаются и сопоставляются с точки зрения текстологии.

Ключевые слова: Лутфи, диван, рукописный список, редакция текста, текстологическое различие.

Маълумки, таҳрир жараёнида биз муаллиф таҳрири, муҳаррир таҳрирларига дуч келамиз. Бадиий ва илмий таҳрирларда услуб жиҳатдан айрим ғализликлар бартараф этилиб, матнни сайқаллаш ишлари олиб борилади. Мумтоз адабиётда эса муҳаррир бевосита ёзма ёдгорликлар билан бевосита тадқиқот ишини олиб боради. Бу жараёнда тадқиқотчининг тадқиқот объекти қўлёзма нусхалар, чоп этилган нашрлар асосий адабий манба вазифасини бажаради.

Бир неча қўлёзмалар муқояса қилинаётганда, ўша қўлёзманинг ёзилган даври ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, муаллиф яшаган даврга яқинроқ, яни ўша юзйилликда кўчирилган нусха бўлса, ушбу нусхага асл нусха сифатида қаралиши мумкин, аксинча, бир неча асрлардан кейин хаттот томонидан кўчирилган матнлар нисбатан тўғри бўлиши ҳақиқатга яқиндир. Биз матншунос сифатида ҳар бир даврда кўчирилган нусхаларни бири тўғри, бири нотўғри дея олмаймиз, бизнинг вазифамиз юзага келган фарқли тафовутларни аниқлаб, уларни илмий далиллар асосида жамоатчиликка очиклашдир. Мақолада икки нодир қўлёзма нусха асосида матн таҳрири олиб борилади:

Париж Миллий кутубхонасида 981 инвентарь рақами остида сақланаётган “Девони Лутфий” 16-95а саҳифаларни ўз ичига олади. Ушбу девонда Гадоийнинг девони ҳам киритилган бўлиб, 96а- 161б варақларни ўз ичига олади. Муқоваси безаксиз. Девоннинг 1а- бетида “Девони Лутфий ва Девони Гадо забони чизатой” (*ديوان لطفى و ديوان كدا زبان چغتاي*) деган ёзув мавжуд. 1б-саҳифасининг юқори қисмида рангли зийнат билан безалган лавҳа ичида “Девони Лутфий” деб ёзилган. Қўлёзманинг қоғози юпқа, новотранг, шалдиروق бўлиб, матнлар равон настаълиқ хатида ёзилган. Шеърлар жадвалга олинган, ҳар бир шеър бошланишидан олдин тилларангли ҳарфлар билан “валаҳу – яна” сўзи ёзилган. Девон саҳифалари мукамал яхши сақланган бўлиб, унга ҳеч қандай зарар етмаган. Шеърлар икки устунга ёзилган, баъзи ўринларда мақтаъси ўртада жойлаштирилган. Девондаги пойгирлар ҳар бир саҳифада қўлланган. Қўлёзманинг ўлчами 10x16,8 см, матн ўлчови 7,8x11,5 см [4;41]. Девон ким томонидан қачон кўчирилганлиги ҳақида маълумот берилмаган. Эркин Аҳмадхўжаевнинг тадқиқ этишича, илмий фаразларга асосан, ёзилган хати бўйича XVI аср охири XVII аср бошида Бухорода кўчирилган. Девон охирида коллофон кўринишида “Таммат девони Мавлоно Лутфий ваалҳамдулиллаҳи вассалом” сатрлари берилган [4; 42].

Иккинчи адабий манбамиз бу Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 5024-И инвентарь рақамли Лутфий девонининг қўлёзма нусхасидир. “Шоир Девон”и қўлёзма нусхаси 1б-2б-бетида қасида, 2б-63а-саҳифаларда ғазаллар, 63б-64б-варағларида рубоийларни ўз ичига олади. Девон басмала билан бошланади, ундан кейин ҳамд ғазал келтирилган. Мазкур ҳамд ғазал Париж нусхасидаги ҳамд ғазал билан бир хил. Қўлёзма насталиқ хатида битилган бўлиб, Шарқ қоғозига кўчирилган. Матн саҳифада икки устун кўринишида жойлаштирилган. Шеърлар бир-биридан бир қатор бўш жой билан ажратилган. Қўлёзма тарихлаштирилмаган, ёзилган вақти аниқ берилмаган. Шу тўпلامдаги бошқа бир асар, эҳтимол, худди шу хаттот томонидан кўчирилган бўлиб, ҳижрий 1233-йил, милодий 1818-йил деб белгиланган. Муқова картондан тайёрланган, эҳтимол, кейинчалик таъмирланган. Юқори қисми жигарранг, пастки қисми сариқ рангда. Муқоваловчининг исми фақат юқори қисмида кўрсатилган: شير محمد (Шермуҳаммад). Шубҳасиз, ушбу девон Шермуҳаммад исмли хаттот томонидан тахминан XIX асрда кўчирилган. Қўлёзма ўлчами: 22×13 см.

Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган “Девони Лутфий” қўлёзма нусхасининг 2б- саҳифасидаги *“Ой юзунг оллида ҳижил ҳусн эли Руму Чин аро...”* мисраси билан бошланувчи ғазали Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 5024 инвентарь рақами остида сақланаётган Лутфий девони қўлёзма нусхасининг За-варағида келтирилган тўртинчи ғазал билан муқояса қилинганида, сўзлар ўртасида бир қанча тафовутлар юзага келиб чиқди. Қуйида биз у билан танишиб чиқамиз. Иккинчи байтнинг биринчи мисрасида келтирилган сўзи 5024 И.Р қўлёзмада سينديک “сендек”, Париж нусхасида سينتيک “сентек” шаклда келтирилган бўлиб, бироқ бу ғазалнинг маъносига таъсир қилган эмас. Котибларнинг ёзиш усули турлича бўлганлиги сабабли фарқ юзага келмоқда. Яна бир ўринга эътибор қаратсак, ушбу ғазалнинг бешинчи байт биринчи мисрасига эътибор қаратсак:

زولفونک ایلا جو نافدین اوردی دم آهو ی خطا

[1; 2^b]. غمزه نک اتمجیسی اوقی نافنی اویدی جین ارا

Юқоридаги мисраларда خطا “*Xumo*” сўзи, 5024 I.R нусхада ختن “*Xo‘tan*” [5024 IR B-3^a] шаклда келтирилган. Мазкур ҳолат, албатта, эътиборга молик ҳисобланади. Негаки, иккиси икки хил шаҳар номи, Хито бу ҳозирги Хитой Халқ Республикаси бўлса, Хўтан шаҳри Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғоти-т-турк” асарида туркийлар яшаган ҳудуд сифатида келтирилган. Мумтоз адабиётимизда эса ўзининг гўзал аёллари билан танилганлиги учун ёрнинг чиройини сифатлаш, ўхшатиш мақсадида шоирлар томонидан ишлатилган. Хито шаҳри эса ўзининг мушк чиқарадиган охулари билан танилган. Чунончи, диққатингизни мисра таркибидаги сўзларга қаратсак, нофа-хушбўй қора модда, яъни мушк, у оҳунинг киндигида етишади деган қараш бор. Шоир бу ерда шундай бир ўхшатиш қилмоқдаки, бир байт билан ўзининг “Малику-л-калом”лигини исботламоқда. Байтни таҳлил қилсак: сочининг қоралиги ҳамда хушбўйлигига алоҳида урғу бериб ўтмоқда, бу ўринда эса Хитой оҳуси, мушк маъносини ташиётган нофа сўзлари ташбеҳнинг асосий унсури бўлиб хизмат қилмоқда. Байтнинг асл маъносини иккинчи мисра янада яққол очиб бермоқда. Ушбу матний тафовутлар орасида қай бири тўғри? Мушк олинадиган оҳулар, асосан, тоғли ҳудудларда яшай олиши ҳақидаги фактларга таянсақ, аниқроғи Хитойнинг жануби-ғарбий қисмида ҳамда Тибет ўлкасида яшаганлигини инобатга олсак, “Хито” лексемаси аслига тўғри бўлиши мумкин. Қадимги Хўтан шаҳри ҳозирда уйғур миллати истиқомат қилаётган ҳудудга тенг келмоқда, ушбу ҳудуд Хитойнинг жанубий воҳаларига тўғри келади, бу ерда мушк берувчи оҳулар деярли учрамаслигини ҳисобга олсак, қолаверса, қадимда мушклар савдо йўли орқали Хўтан шаҳрида кенг тарқалганлиги учун мумтоз адабиётда ёрнинг сочлари, ундан келувчи ёқимли ҳидларни англаштириш учун Хўтан мушклари, Хито мушкларига ўхшатиш қилинган. Хулоса қилиб айтганда, бу ўринда Париж

нухасидаги “оҳуйи Хито” бирикмасини тўғри деб олсак, мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги ғазалнинг мақтаъсида келтирилган *قيليج نى* “қилични” [1;2^b] сўзи иккинчи қўлёзмада *قيليجينى نى* “қиличингни” [2;3^a] шаклда келтирилган. Гувоҳи бўлганимиз битта сўз, лекин ҳар икки қўлёзмада турлича берилган бўлиб, бири эгалик шаклини олган бўлса, иккинчисида эгалик қўшимчаси қўшилмаган, шунингдек, бир бўғиннинг ортиши ёки камайиши ғазал вазнига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Ушбу ғазал рамали мусамману солим вазнида ёзилган бўлиб, ҳар бир байти тўлиқ 16 бўғиндан иборат. Аммо сўнгги байтнинг иккинчи мисраси юқоридаги таҳлилга кўра бир бўғин камайишига олиб келмоқда. Тўғри, бу кичик хатоликлар шеърнинг вазни бузилишига олиб келмоқда, оқибатда шоирнинг ғазал орқали билдирмоқчи бўлган фикри ҳам бизга ўз жозибасини йўқотган ҳолда етиб келмоқда. Бу шеър маъносига ҳам сезиларли таъсир ўтказди, чунончи, “қиличинг” ва “қилич” сўzlари икки хил маъно ташмоқда. Масалан, “қиличинг” дейилганда, аввало, кимгадир тегишли қилич назарда тутилса, “қилич” лексемасида умумий буюм тариқасида келмоқда. “Қиличинг” лексемаси қўлланилиши мақсадга мувофиқдир, чунки бу байтнинг биринчи мисрасида ёрга қарата: “Лутфийни ҳижрон азобида ўлдирмоқ учун ҳавола қилма, қиличингни қўлга ол, уни қинида сақлама” дея хитоб қилмоқда. Демак, бу ўринда шоирнинг ёрга мурожаати акс этаётганлиги сабабли, қилич ҳам ёрга тегишли эканлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун биз 5024 И.Р қўлёзмадаги шакл тўғрироқ деган хулосага келишимиз мумкин.

Лутфий девонининг Париж нухасини ҳамда 5024 инвентарь рақамли шоирнинг яна бир девон қўлёзма нухаси муқояса қилинганида баъзи бир матний тафовутлар аниқланди. Чунончи, Париж нухасининг Забетида келтирилган “Бўлсун санга” [1;3^a] радифли ғазали матнида айрим лексик, грамматик ва имловий фарқлар кузатилади. Хусусан, ғазалнинг иккинчи байти иккинчи мисрасида *اول* “ул” сўзи 5024 И.Р қўлёзмада *بو*

“бу” шаклда қўланилган. Бу ўринда ғазалнинг вазнига ҳам, семантик тузилишига ҳам сезиларли даражада таъсир ўтказмаган, негаки ҳар иккала сўз ҳам кўрсатиш олмоши, улар ўзаро маънодош саналади. Шунинг учун мазкур ҳолат матний хато эмас, балки вариантларнинг турличалиги деб баҳо берсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Эътиборни охириги байтга қаратсак, ушбу байтнинг биринчи мисрасида *ای کورکا بای* “эй кўрка бой” [1; 3^a] бирикмаси 5024 И.Р. қўлёзмада *ای کورکا بای* “эй кўрка бой” [2; 3^a] талкинида келмоқда. Бир қарашда бу ерда хатолик йўқдек. Грамматик ҳамда семантик тамойиллар асосида таҳлил қилсак, муаммога тўғри ечим топамиз. Имло қоидаларига кўра қўш ундошлар ёзувда ташдид (◌ّ) белгиси билан ифодаланиши лозим. Бироқ бу қоида сўзнинг етакчи морфемасида келган қўш ундошлар учун қўлланилади. Лекин асосга кўмакчи морфема қўшилганда ташдид белгиси қўйилмайди, балки қўшимча ёзувда ўзи акс этади. Мазмунига ҳам эътибор берадиган бўлсак, “кўрка бой”, яъни “кўркли”, “чиройли”, “мафтункор” каби маъноларни билдириб келмоқда. “кўрка бой” бирикмасида шоир айтмоқчи бўлган фикр тўлиқ ифодаланмай қолмоқда. Шу боисдан *ای کورکا بای* “эй кўрка бой” сўзи котиб томонидан хато қўчирилган десак муболаға бўлмайди. Чунки Париж нусхасида имловий жиҳатдан тўғри ёзилган, шоир нима демоқчилиги аниқ ғазалхонга етказиб берилган.

“Девони Лутфий”нинг 3а-бетида келтирилган “*Ул ойки фитна бўлди кўнгил қошу кўзига...*” деб бошланувчи ғазалида ҳам қатор матний тафовутларни аниқладик, қуйида улар билан танишиб чиқамиз. Учинчи байти биринчи мисрасида келтирилган *گلتيک* “gultek” сўзи қўлимиздаги иккинчи нусхада *کلديک* “гулдек” шаклда берилган. Бу ердаги турличалик котибнинг ёзиш улубига хосдир. Негаки Париж нусхасини ёзган котиб “پ” [pe] ҳарфининг ўрнида “ب” [be] ҳарфини, “چ” [chim]нинг ўрнида “ج” [jim]ни “د” [dol]нинг ўрнида “ت” [te]ни қўллаган. Икки котибнинг кўчирган матнлари тўғридир. Бу ерда грамматик, семантик жиҳатдан хатога йўл қўйилмаган. Бундан ташқари биринчи қўлёзма нусхамизда:

کلتیک کولار جیراین بیر کون یولوقمادیم
آی لارده بیر هم اوچرامادیم یخشی کوزیکا
Гулдек кулар чиройина бир кун йўлуқмадим,
Ойларда бир ҳам учрамадим яхши кўзига [1; 3^{a-b}].

байтдаги جیراین “чиройина” сўзи ўрнида иккинчи нусхада زمانیدا “замонида” сўзи келтирилган:

کل دیک کلار زمانیدا بیر کون یولوقمادیم
آی لارده بیر هم اوچرامادیم یخشی کوزیکا
Гулдек кулар замонида бир кун йўлуқмадим,
Ойларда бир ҳам учрамадим яхши кўзига [2; 3^a].

Мазкур тафовут байтнинг маъносига таъсир ўтказган. Чунончи, биринчи мисрада ёрнинг кулар чиройига, яъни очик чехрасига урғу берилаётган бўлса, кейинги ўринда эса ёрнинг кайфиятига – хушчакчақ пайтига фокус қаратилмоқда. Бир хил байт, аммо турлича мазмун ҳосил бўлмоқда. Иккаласидан қай бирини тўғри деб топиш учун бизга асл матн керак бўлади.

Лутфий девонининг Париж нусхасида келтирилган яна бир ғазални таҳлилга тортганимизда баъзи матний тафовутлар кузатилди. Уларни матншунослик ва манбашунослик тамойиллари асосида қиёслаганимизда хато-камчиликлар яққол кўзга ташланмоқда. Чунончи, 5б-варағидан ўрин олган “*Сурастингни, эй пари, ким кўрса қилгай жон фидо...*” мисраси билан бошланувчи ғазалнинг ушбу мисраларнинг таҳлилига эътибор қаратсак:

انتهای یوقمو بلاغه دیسام ایتور کوزلارینک [PN B-5^b]
Интиҳо йўқму балоға десам, айтур кўзларинг...

Ушбу мисранинг иккинчи қўлёзмада келишига эътибор қаратамиз:

انتهای یوقمو دیسام حسنونکا ایتور کوزلارینک [5024 IR B-7^b]
Интиҳо йўқму десам ҳуснунгга, айтур кўзларинг...

Икки хил сўзлар турлича маъно англатмоқда. Биринчи нусхадаги мисрада шоир ёридан “Бу балонинг охири йўқми?” дея сўрамоқда, ёрнинг

кўзлари ошиққа қарата: “Сен қаердасан, энди мен балони бошламоқдаман” дея жавоб қилади. Иккинчи нусхада лирик қахрамон ёрнинг хуснидан сўрамоқда, кўзлари жавоб қилмоқда. Ушбу тафовутлар орасидан энг маъқули Париж нусхасида қўлланилган вариант ҳисобланади, чунки биз байтнинг мазмунини чиқариш учун аввалги ва кейинги мисраларни ҳам инобатга оламиз. Иккинчи мисрада “балонинг энди бошлангани” айтилганлиги сабабли, “хусн” сўзининг ўрнига “бало” сўзини тўғри деб қабул қилсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳар икки вариант ҳам бирдек тўғри. Бироқ бу икки қўлёзма нусханинг ёзилиш даврига эътибор бериб, кўчирган котибнинг усулидан келиб чиқиб хулоса қилинса, аниқ илмий танқидий хулоса келиб чиқади. Сўз ва жумла таҳрири муаммосини ўрганиш натижасида маълум бўлдики, Париж нусхаси ва 5024 инвентарь рақамли манба ўртасидаги фарқлар асосан котибларнинг шевага хос ёндашуви деб ҳисобласак, муболаға бўлмайди. Аниқланган матний тафовутлар шоир асарларининг танқидий матнини яратишда лексик бирликларни тўғри танлаш ва матнга оид маънони аниқлаштириш учун фактик асосдир. Демак, биз илгари сурган фикрлар ҳамда олинган натижалар Лутфий асарларининг мукамал илмий-танқидий матнини яратишда асос бўлиб хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. اداگ_ناويد_يفطل_ناويد. Source gallica.bnf.fr / Bibliothèque nationale de France.
2. Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. №5024-И
3. Эркинов А. Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Тошкент, 2019.
4. Аҳмадхўжаев Э. Лутфийнинг янги топилган фардлари // Адабий мерос, 1976. – №6. – Б.34-42.